

ЎТМИШГА НАЗАР

3 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 3

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 3



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

| | |
|---|----|
| 1. Алима Ауанасова ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚ АССАМБЛЕЯСИ – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИ..... | 5 |
| 2. Максим Моисеев РОССИЯ ПОДШОЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ ТОПИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР..... | 11 |
| 3. Рахбар Холиқова TURKISTON O‘LKASIDAGI MILLIY OZODLIK HARAKATLARI TARIXIDAN (MARDIKORLIKKA SAFARBARLIK VA UNING OQIBATLARI)..... | 21 |
| 4. Ибройим Махкамов, Хамиджон Шахобов, Умида Носирова ЖАДИДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ..... | 29 |
| 5. Дурдонахон Муродова ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ШАҲАРСОЗЛИГИДА МАРФИЛОН. ДАСТЛАБКИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР (ЁЗМА МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА)..... | 36 |
| 6. Авазбек Мирзаев ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ПАХТА САВДОСИ ВА ТОЛАНИ МЕТРОПОЛИЯГА ТАШИБ КЕТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ..... | 42 |
| 7. Саҳодат Муртазова “МАҚОМ” ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ..... | 48 |
| 8. Шухратжон Абдуллоев БУҒДОЙНИНГ ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛИШИ БЎЙИЧА МОДДИЙ ВА ЁЗМА МАНБАЛАР..... | 54 |
| 9. Исломбек Бобожонов ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК (1991-2019 йй.)..... | 63 |
| 10. Бобурмирзо Ботиров ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИГА ОИД ҚУРЪОНИ КАРИМДА КЕЛГАН НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ..... | 69 |
| 11. Хумоюн Назаров ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ КУШОН ДАВРИ ҚЎҲНА ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН..... | 81 |
| 12. Баҳрам Намозов ҚУТЛУҒ БАШАРОВ ИЖОДИГА НАЗАР..... | 90 |
| 13. Файзулла Очилдиев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ..... | 96 |


| | |
|--|-----|
| 14. Turdigul Omirzakovna QORAQALPOQ XALQINING XOTIRALARIDAGI VA MEMUARLARIDAGI IKKINCHI JAHON URUSHI..... | 105 |
| 15. Мухиддинжон Примов XX АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН КАРТОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИГА ДОИР..... | 113 |
| 16. Азиз Равшанов ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР (1991-2020 йиллар)..... | 120 |
| 17. Гулчехра Рахимова ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИ..... | 127 |
| 18. Екатерина Смесова ВЕРА КОМИССАРЖЕВСКАЯ ВА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИНГ ТЕАТР САНЪАТИ ТАРИХИ САҲИФЛАРИДАН..... | 134 |
| 19. Жасур Савриев НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “РАБОТИ МАЛИК” ҚАРВОНСАРОЙИНИНГ ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАЪМИРЛАНИШ ТАРИХИ..... | 140 |
| 20. Музаффар Тожибоев ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРИХИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ..... | 156 |
| 21. Сайёра Тураева ЧОР РОССИЯСИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА 1840 ЙИЛЛАРДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ: ГЕОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ АСПЕКТЛАРИ..... | 163 |
| 22. Тўракул Ҳасанбоев ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА (ЁЗМА МАНБАЛАР АСОСИДА)..... | 170 |
| 23. Шермухаммат Эрназаров МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА ТАРИХИЙ ВА СИЁСИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ..... | 176 |
| 24. Ахмеджон Юсупов САРИҚАМИШБЎЙИ ВА УЗБОЙ САРҲАДЛАРИ ЁДГОРЛИКЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИДАН..... | 185 |
| 25. Алишер Эсанов ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ АСОСЧИСИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУНОЗАРАЛАР..... | 193 |
| 26. Миролим Бердикулов ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ ТОШ ҚУРОЛЛАРИ (2017-2018 йиллардаги қазилма материаллари асосида)..... | 197 |

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Дурдонахон Ҳабибуллоевна Муродова,
тарих фанлари номзоди,
Миллий археология маркази катта илмий ходими
murodovadurdonakhon@gmail.com
ORCID: 0000-0003-3895-4080

ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ШАҲАРСОЗЛИГИДА МАРҒИЛОН. ДАСТЛАБКИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР (ЎЗМА МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА)

For citation: Durdonakhon H. Murodova, MARGILAN IN URBAN PLANNING OF SOUTH FERGANA. EARLY ANTROPOGENIC LANDSCAPES (ACCORDING TO WRITTEN SOURCES AND ARCHAEOLOGICAL RESEARCH). Look to the past. 2020, Special issue 3, pp.36-41

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6582915>

АННОТАЦИЯ

Марказий Осиё шаҳарлари тарихида қадимги Фарғона шаҳарсозлиги алоҳида ўрин тутди. Марғилон Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларидан бири бўлиб, ўрта асрларда ўзининг ипак ва пахта матолари, турли хил мевалари кўплиги билан машҳур бўлган. Археологик ва палеогеографик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Марғилон воҳаси бронза даврида суғориладиган қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштирилган, бу ерда биринчи антропоген ландшафт яратилган.

Мақолада Жанубий Фарғона шаҳарсозлигида муҳим ўрин тутган Марғилон шаҳри ҳақида ўзма манбаларда келтирилган маълумотлар, шаҳарсозлик жараёнларида антропоген ландшафтларнинг шаклланиши мазкур ҳудудда тадқиқотлар олиб борган археолог олимларнинг хулосалари асосида ёритиб берилди.

Калит сўзлар: Марғилон, ландшафт, ўзма манбалар, ирригацион зоналар, микровоҳалар, шаҳарсозлик.

Дурдонахон Ҳабибуллоевна Муродова,
кандидат исторических наук,
старший научный сотрудник
Национального археологического центра
E-mail: murodovadurdonakhon@gmail.com
ORCID: 0000-0003-3895-4080

МАРГИЛАН В ГРАДОСТРОИТЕЛЬСТВЕ ЮЖНОЙ ФЕРГАНЫ. РАННИЕ АНТРОПОГЕННЫЕ ЛАНДШАФТЫ. (ПО ПИСЬМЕННЫМ ИСТОЧНИКАМ И АРХЕОЛОГИЧЕСКИМ ИССЛЕДОВАНИЯМ)

АННОТАЦИЯ

Маргилан-один из древнейших городов Узбекистана. Древнее Ферганское градостроительство занимает особое место в истории городов Центральной Азии. В Средние века Маргилан славился шелковыми и хлопчатными тканями, изобилием различных фруктов. Археологические и палеогеографические исследования показывают, что Маргилансайский оазис был освоен под орошаемое земледелие уже в эпоху поздней бронзы, здесь создается первый антропогенный ландшафт.

В статье будут освещены сведения, приводимые в письменных источниках города Маргилана, занимавшего важное место в градостроительстве Южной Ферганы, формирование антропогенных ландшафтов в градостроительных процессах на основе выводов ученых-археологов, проводивших исследования на этой территории.

Ключевые слова: Маргилан, ландшафт, письменные источники, ирригационные зоны, микрооазисы, градостроительства.

Durdonakhon H. Murodova,
Candidate of Historical Sciences,
National Archaeological Center,
murodovadurdonakhon@gmail.com
ORCID: 0000-0003-3895-40

**MARGILAN IN URBAN PLANNING OF SOUTH FERGANA. EARLY
ANTROPOGENIC LANDSCAPES (ACCORDING TO WRITTEN SOURCES AND
ARCHAEOLOGICAL RESEARCH)**

ABSTRACT

Margilan is one of the oldest cities in Uzbekistan. Ancient Ferghana urban planning occupies a special place in the history of Central Asian cities. In the Middle ages, Margilan was famous for silk and cotton fabrics, an abundance of various fruits. Archaeological and paleogeographic studies show that the Margilansay oasis was developed for irrigated agriculture already in the late bronze age, and the first anthropogenic landscape is being created here.

The article will cover the information provided in written sources of the city of Margilan, which occupied an important place in urban planning in southern Fergana, and the formation of anthropogenic landscapes in urban planning processes based on the conclusions of archaeologists who conducted research on this territory.

Index Terms: Margilan, landscape, written sources, irrigation zones, microoasis, urban planning.

1. Долзарблиги:

Марказий Осиё шаҳарлари тарихида қадимги Фарғона шаҳарсозлиги ва унда қадимий Марғилон шаҳри алоҳида ўрин тутади. Марғилон Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларидан бири бўлиб, ўрта асрларда ўзининг ипак ва пахта матолари, турли хил мевалари кўплиги билан машҳур бўлган. Археологик ва палеогеографик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Марғилон воҳаси бронза даврида суғориладиган қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштирилган, бу ерда биринчи антропоген ландшафт яратилган. Жанубий Фарғона шаҳарсозлигида муҳим ўрин тутган Марғилон шаҳри ҳақида ёзма манбаларда келтирилган маълумотлар, шаҳарсозлик жараёнларида антропоген ландшафтларнинг шаклланиши мазкур ҳудудда тадқиқотлар олиб борган археолог олимларнинг хулосалари мавзунинг долзарблигини белгилайди.

2. Методлар:

Мақолада манбалар таҳлили, илмий қарашлар ва ёндашувларнинг қиёсий таҳлили, тарихий маълумотларни умумлаштириш ва ҳолислик тамойили усулларидан фойдаланилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Қадимги Фарғона шаҳарсозлиги жиҳатдан Марказий Осиё шаҳарлари тарихида алоҳида ўрин тутди. Бу тарихий минтақа шаҳарлари, унинг аҳолиси, хунармандчилиги, табиати, урф-одатлари ва савдо йўллари, қазилма бойликлари тўғрисида антик ва ўрта аср манбаларида кўплаб қизиқарли маълумотлар келтирилади. Ўрта аср тарихчи ва географлари асарларида айнан Фарғона шаҳарларини Юқори ва Қуйи Нисья шаҳарлари сифатида санаб, Жанубий Фарғона шаҳарлари қаторида Сўх, Риштон, Қува ҳамда Марғилонни ҳам алоҳида тасвирлаб берганлар. Манбаларга кўра Марғилон қуйи Нисья шаҳарларидан бири бўлиб, у Самъони таърифича Қорахонийлар даврида Фарғонанинг муҳим минтақаси ҳисобланган. Араб тилида ёзилган географик асарлар қаторида “Худуд ал олам” Жанубий Фарғона шаҳарлари ҳақида маълумот берувчи бошқа манбалардан ажралиб туради. Асарда дарёлар, тоғлар, шаҳар ва қишлоқлар, қазилма бойликлар, аҳолининг машғулоти каби кўплаб тарихий маълумотлар келтирилади. Абу Райхон Беруний ўзининг географик харитасида ҳам Жанубий Фарғона шаҳарларини кўрсатиб ўтади.[1]

Жанубий Фарғона археологик жиҳатдан XIX аср бошларидан тадқиқ этила бошланди. Жанубий Фарғонада шаклланган илк деҳқончилик маданиятидан тортиб шаҳарсозликнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи бўйича олиб борилган тадқиқотларда М.Е.Массон, А.Н.Бернштам, Н.Г.Горбунова, Г.А.Брыкина, Латынин, Г.Иванов, Булатова, А.Анорбоев, Б.Матбобоев, Ф.Мақсудов каби кўплаб археологларнинг ўрни бекиёс.[2]

Марғилон сой ҳавзасида олиб борилган архео-палеогеографик тадқиқотлар бу ерда бронза давридаёқ суғорма деҳқончилик маданияти шаклланганлигини кўрсатади. Бу эса қадимги Марғилонсой ҳавзасида антропоген ландшафтларнинг вужудга келиш билан боғлиқ. [3,б.10]Анорбоев, Мақсудов. Ўзбекистон антик давр шаҳарларининг антропоген ландшафтлари шаклланиши ва ривожланишини тадқиқ этган А.Валиев археологик материаллар ва ёзма манбалардаги маълумотлар асосида ҳал этилишини алоҳида таъкидлаган эди [4,б.41-47]

Антик даврларда антропоген ландшафтларнинг риожидаги асосий омили сифатида бу даврда аҳоли яшаш манзилгоҳларининг тез суратларда кенгайиши ва аҳоли сонининг ортиб боришини таъкидлайди. Аҳоли жойлашув манзилгоҳларининг воҳа хусусиятидан келиб чиқиши ва уларнинг сув манбалари билан таъминланганлиги билан боғлиқ равишда ривожланиши кузатилади. Бундай ирригацион районлар Марғилонсой воҳаси учун ўзига ҳос микровоҳаларга бўлинишида кузатилади. Археологлар томонидан олиб борилган қазув ишлари натижасида агроирригацион қатламлар аниқланганлиги ва бу ушбу ҳудудда э.авв. XV-XIV асрларда суғорма деҳқончиликнинг мавжуд бўлганлиги ўз исботини топди.[5,б.145). Тадқиқотчиларнинг фикрича э.авв. X-IX асрларда суғорма деҳқончилик ҳудудлари Марғилонсойнинг юқори ва қуйи оқими йўналиши бўйлаб кенгайиб боради. Археолог олим А.Анорбоев бу ерда учта микровоҳани бўлиб кўрсатади: Яйилма, Симтепа, Марғилон. Улардан Марғилонсой микровоҳаси

Марғилон шаҳрининг ҳозирги ҳудуди ва атрофларини ўз ичига олади. Бу ерни ўзлаштириш э.авв. IX асрнинг иккинчи ярми ва VIII асрнинг бошларига тўғри келган. [6,б.12]). Айнан шу даврдан бошлаб йирик каналлар қурилиши бошланиб, бунинг натижасида ҳудуд аҳолисининг табиатга таъсири ортиб боради. Олим томонидан таъкидланишича бу ердан шу даврга тегишли бўлган аҳоли манзилгоҳлари топилмаган. Э.авв. VI-IV асрларга оид бўлган кўплаб Оқтом қабрлари топилган.

Оқтомликлар асосан Яйилма микровоҳасида деҳқончилик билан шуғулланганлар шу билан бирга уларнинг хўжалигида яйлов чорвачилиги ҳам ўрин олган. Ўтган асрнинг 60-йилларида Н.Г.Горбунова жанубий Фарғонада ўрганган қишлоқ ва қабрлардан олинган археологик материаллари асосида таҳлил этишича улар зироаткор аҳолига тегишли бўлганлиги ва кейинги тадқиқотларида эса жанубий Фарғона учун зироаткор аҳоли ва чорвадорларни бир биридан ажратиш қийинлигини таъкидлайди.[7,б.91-122.] Бунинг асосий сабаби бизнинг назаримизда жанубий Фарғона аҳолисининг аралаш хўжалик олиб борганлигида бўлиши ҳам мумкин.

Сунъий суғоришнинг кенгайиб бориши, аҳоли сонининг ортиб бориши натижасида янги ерларнинг ўзлаштирилиши янги микровоҳаларнинг шаклланиши кузатилган. Шу даврда Марғилонсойнинг чап қирғоғида, Марғилоннинг эски шаҳар қисмида Машад маҳалласи худудида майдони 20 га бўлган арк, шахристон (ички шаҳар) ва работдан иборат бўлган Марғилон шаҳри пайдо бўлади.

Шаҳарда оташпарастрлар ибодатхонаси бўлган. Марғилон шаҳри Марғилон микровоҳасининг марказида жойлашганлиги унинг иқтисодий, ишлаб чиқаришда, шаҳарлараро ва халқаро савдода фаол иштироки шаҳарнинг ривожидида муҳим аҳамият касб этди. Марғилон шаҳри ўрта асрларда кенгайиб боради. Жанубий Фарғона орқали ўтган буюк ипак йўлининг бир тармоғи Марғилон шаҳри орқали ўтганлиги ҳам шаҳар иқтисодий. Маданий ҳаётида ҳам муҳим роль ўйнади.

Марғилон шаҳридаги Қизлартепа ёдгорлигида археолог олим Ф.Максудов томонидан олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида бу ердан милодий I-IV асрларга оид бўлган маериаллар қўлга киритилган. [8.]

Шу топилмалар асосида Марғилонсой ҳавзаси айнан шу даврда ўзлаштирилганлиги изоҳланади. Тадқиқотчиларнинг фикрича Жанубий Фарғонадаги деҳқончилик маконлари водийнинг бошқа ерларига нисбатан кечроқ ўзлаштирилишига сабаб сифатида икки омил кўрсатилади. Унга кўра бу ерлар археологлар томонидан ҳали тўлиқ ўрганилмагани ёки ҳақиқатдан ҳам Марғилонсой ҳавзаси кечроқ ўзлаштирилганлигидир. Бизнинг фикримизча бугунги кунда Марғилон шаҳри аҳоли зич жойлашган шаҳарлари сирасига кириши ва бунинг натижасида шаҳарлашув жараёнининг ривожланиши туфайли қадимги ёдгорликлар ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Бу ерда келгусида олиб бориладиган археологик қазув ишлари урбанизация жараёнларини қадимийлаштириши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Тадқиқотчилар томонидан илгари сурилаётган назариялар, яъни водийга м.авв. VIII-VII асрларда Сўғд ёки Бактриядан аҳолининг кўчиб келиши кузатилиши ва бу ерлар улар томонидан ўзлаштирилган деган фикрлар ҳам ҳали ўз исботини топгани йўқ. Бу эса Марғилонсой ҳавзаси Бактриялик ва Сўғдликлар томонидан илк бора ўзлаштирилмаганлиги, аксинча бу ерда маҳаллий аҳоли томонидан илк шаҳар маданиятига асос солинган деган фикрни айта олишимизга асос бор.

Марғилонда кулолчилик чарҳида ясалган идишларнинг пайдо бўлишини айнан жанубдан келган аҳоли ёки Шарқий Туркистон таъсири остида пайдо бўлиши ҳақидаги фикрларни ҳам инкор этиб бўлмайди. Чунки ипак йўли бўйлаб савдода қадимда Марғилон шаҳри аҳолиси ҳам фаол иштирок этганлигини инобатга олсак бу ерда шаҳарсозликнинг ривожланишида нафақат ички балки бир неча ташқи омиллар ҳам роль ўйнаганлигини кўришимиз мумкин.

Шаҳарлашув жараёнида тадқиқотчиларнинг олиб борган тадқиқотлари ва хулосасига кўра янги ерларни ўзлаштирилиши яъни илгариги деҳқончилик зоналарининг ҳам аҳоли томонидан уй жой сифатида ўзлаштирилши, шаҳарлашув жараёнига таъсир этган ва шу тариқ шаҳарлар кенгайиб борган. Тадқиқотчиларнинг фикрича 1978 йилда бу ерда ирригация зонаси майдони 2020 км² ни ташкил қилган бўлиб, ундан урбанизация худудлар майдони 306 км², яъни ирригация зонасининг 15 фоизини ташкил қилган. 1992 йилга келиб бу кўрсаткич 470 км² га тенг бўлган (ирригация зонасининг 23%), ва ниҳоят, 2000 йиллар бошида Марғилон воҳасида шаҳарлашув жараёнига тортилган худудлар майдони 550 км² ни ташкил қилган (ирригация зонасининг 27%). [9,204]. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики шаҳарларнинг кенгайиб бориши натижасида табиий ландшафтлар антропоген омиллар натижасида ўзгариб борган. Бундай ҳолат қадимги Марғилон урбанизациясига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

4. Хулосалар:

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Марғилон шаҳарсозлик тарихи ва бу худуддаги илк антропоген ландшафтлар археолог олимларимиз томонидан олиб борилган тадқиқотларда ёритиб берилган. Шаҳарсозлик тарихининг муҳим кўринишларидан бўлган қадимги меъморчилик, шаҳар моддий маданияти тарихининг ажралмас қисми кулолчилик тарихининг

яна нақадар қадимийлигини кўрсатувчи далиллар янги археологик таджикотларда ўз исботини топиши шубҳасиз.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Бартольд В.В. Маргелан. Соч. - М., ИВЛ., Т.III. 1965, - 481 с. (Bartold V.V. Margelan. Op. - M., IVL. T.III. 1965. - 481 p.)
2. Горбунова И.Г. В древней Фергане. - Ташкент, 1972. - 38 с. (Gorbunova I.G. In ancient Fergana. - Tashkent, 1972. - 38 p.)
3. Заднепровский, Ю. А. Древнеземледельческая культура Ферганы, 1962. -328 с. (Zadneprovsky Yu.A. Ancient agricultural culture of Fergana, 1962. -328 p.)
4. Бернштам, А. Н. Древняя Фергана. - Ташкент: Издательство АН УзССР, 1951. -С. 49. (Bernshtam, A.N. Ancient Fergana. -Tashkent: Publishing House of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1951. -С. 49.)
5. Бернштам А.Н. Труды семиреченской археологической экспедиции «Чуйская долина» М.-Л., 1950 (МИА №14). (Bernshtam A.N. Proceedings of the Semirechye archaeological expedition "Chuyskaya valley" M.-L., 1950 (MIA No. 14)
6. Анарбаев А.А., Максудов, Ф. А. Древний Маргилан. -Ташкент: Фан, 2007. (Anarbaev, A.A., Maksudov, F.A. (). Ancient Margilan. -Tashkent: Fan, 2007.)
7. Анарбаев А.А. Маргилану - 2000 лет. Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари. (Anarbaev A.A. Margilan - 2000 years. The place of Margilan in the history of world civilization. Proceedings of the international scientific conference dedicated to the 2000th anniversary of the city of Margilan).
8. Валиев А. Античный этап развития антропогенных ландшафтов юга Узбекистана. ИМКУ.вып 17,1982. -Б.41-47. (Valiev. (1982). The ancient stage of development of anthropogenic landscapes in the south of Uzbekistan. IMKU. Iss.17. pp.41-47)
9. Анарбаев А.А. Ўзбекистонда илк суғорма деҳқончиликнинг шаклланиши ва антропоген ландшафтни ташкил топишию Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихи илдизлари ва замонавий жараёнлар. -Тошкент, 2006. (Anarbaev A.A. The formation of the first irrigated agriculture in Uzbekistan and the formation of an anthropogenic landscape, the roots of history and modern processes of agricultural culture in the territory of Uzbekistan. -Tashkent, 2006)
10. Горбунова Н.Г. Культура Ферганы в эпоху раннего железа. Археологический сборник Государственного Эрмитажа. -Ленинград, 1962 (5), 102. (Gorbunova, N.G. (1962). Fergana culture in the early iron era. Archaeological collection of the State Hermitage. L, (5), 102.)
11. Максудов Ф.А. Становление и этапы развития земледельческой культуры в южной фергане (вторая половина I тысячелетия до нашей эры – первая половина I тысячелетия нашей эры по материалам Маргилансайского оазиса, 2002) Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. (Maksudov F.A. Formation and stages of development of agricultural culture in southern Fergana (second half of the 1st millennium BC - the first half of the 1st millennium AD based on the materials of the Margilansay oasis) Dissertation for the degree of candidate of historical sciences, 2002.)
12. Максудов Ф.А. Современные урбанизационные процессы в Маргиланском оазисе (по материалам технологии GIS) б. 204. Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари. Maksudov F.A. Modern urbanization processes in the Margilan oasis (based on GIS technology) b. 204. The role of the city of Margilan in the history of world civilization. Materials of the international scientific conference dedicated to the 2000 anniversary of the city of Margilan.

13. Turgunovna, M. S., & Habibulloyevna, M. D. (2020). Problems Of Paleolithic Archaeology And Landscape Of Uzbekistan. *Solid State Technology*, 63(6), 1708-1717.
14. Murodova, D. (2020). Anthropogenic landscapes and their archaeological study in the process of urbanization. *Збірник наукових праць ЛОГОС*, 96-98.
15. Habibulloyevna, M. D. (2020). Archaeological study of anthropogenic landscapes of Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 424-429.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-3 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000